



Тўрт нарса борки, мана шулар кимда бўлса, аниқ мунофиқ бўлибди. Кимда булардан бирортаси бўлса, уни ташламагунича унда мунофиқликнинг бир хислати бор бўлади: сўзласа ёлғон сўзлайди, аҳдлашса хиёнат қилади, ваъда берса хилоф қилади, тортишса фожирлик қилади», - дедилар

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: Тўрт нарса борки, мана шулар кимда бўлса, аниқ мунофиқ бўлибди. Кимда булардан бирортаси бўлса, уни ташламагунича унда мунофиқликнинг бир хислати бор бўлади: сўзласа ёлғон сўзлайди, аҳдлашса хиёнат қилади, ваъда берса хилоф қилади, тортишса фожирлик қилади», - дедилар.

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам тўртта хислат ҳақида огоҳлантирдилар. Агар бу хислатлар бир мусулмонда йиғилса, у шу хислатлари сабаб мунофиққа ўхшаб қолади. Бу эса ана шу сифатлар унда доимий ва кўп учраса шундай бўлади, агар баъзида, камдан-кам содир бўлса, бу ҳукмга кирмайди. У хислатлар қуйидагилар: 1. Гапирганда — қасддан ёлғон гапириши ва ростгўй бўлмаслиги. 2. Аҳд ва ваъда берса — унга вафо қилмаслиги, шеригини алдаб хиёнат қилиши. 3. Ваъда берса бажармаслиги ва ваъдасини бузиши. 4. Биров билан тортишиб, жанжал қилса, ҳақдан оғиб кетиши, уни рад этиши ва йўққа чиқариш учун турли ҳийла ишлатиши, ёлғон ва ботил гапларни айтиши. Мунофиқлик - ташқи кўринишида бир нарсани кўрсатиб, ичида унга тескари бўлишдир. Ана шу маъно мазкур хислатлар эгасида мавжуд. Унинг мунофиқлиги одамлар билан муомалада, гапирганда, ваъда берганда, ишониб омонат топширилганда, тортишганда ёки аҳдлашганда кўринади. Бу Исломдаги мунофиқлик бобидан эмас, яъни, ўзини мусулмон кўрсатиб, ичида куфрни яшириш маъносида эмас. Лекин кимда бу хислатлардан бири бўлса, токи уни тарк қилгунга қадар у кишида мунофиқлик сифатидан бир сифат бўлади.

النجاة الخيرية
ALNAJAT CHARITY

